
"Қўқонбой"да 1,180 км пиёдалар йўлаги қурилиши натижасида мактаб ўқувчилари ва тиббиёт муассасасига қатновчилар учун қулайлик яратилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-408-сон қарорига асосан "Қўқонбой" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 275,3 млн маблағ эвазига 18-умумтаълим мактабига олиб борувчи 1,180 км узунликдаги пиёдалар йўлаги қуриб битказилди.

Натижада катта йўл бўйлаб мактабга қатновчи ўқувчилар ва шифокорлик пунктига қатновчи аҳоли вакиллари ҳамда ишчи ходимлар учун қулайлик ятатилди. Бу орқали автомобил ва пиёдалар қатновини тартибга солиниши ва йўл транспорт ҳолатларини олдини олишга эришилмоқда.

2023-04-05 17:29:30